LLC "TTT-AUDIT"
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
Uzbekistan

Ўзбекистон Республикаси
Фаргона вилояти масъулияти чекланган
жамият шаклидаги «TTT-AUDIT»
(JPA INTERNATIONAL) аудиторлик ташкилоти

Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилоят Фарғона шаҳар 150100. Янгиобод- 5-уй
Тел.моб (91) 651 80 13 (94) 448 20 60 (95) 400-80-13 Факс: (0373) 241 64 48 Web sayt: ttt-audit.uz Email: tttaudit@mail.ru
Лицензия АФ № 00773 Ўз.Рес. Молия Вазирлиги томонидан 05.04.2019 йилда берилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Ижобий фикр билдирилган

Хулоса санаси. **26 апрель 2019 йил**

"Риштон пахта тозалаш» А/Ж
раҳбариятига

Манзил: **"Риштон пахта тозалаш»** АЖ. Риштон туман Хуррамобод қишлоги. Агробанк Риштон филиали. х/р 20210 000 300 213 721 001 . МФО 00519. ИНН 200284573 ОКЭД 13101

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фаргона шахри Янгиобод 5 уй уй. ХАБ "TRAST BANK". х/р 20208000100921886001, МФО 01123, ИНН 202216926, Оконх 84400, тел 0(373) 2416448 email: tttaudit@mail.ru.) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқи билан 05.04.2019 йилда берилган АФ № 00773-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335–реестр билан рўйхатга олинган гувохнома) бош директори бош аудитор **Ботиров М Х** томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05468 11.03.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект **"Риштон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботнинг "Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, "Хусусий капитал" ва "Пул оқимлари тўгрисида"ги хисобот шаклларидан иборат 2018 йил 01 январидан- 2018 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини **мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"Риштон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти** томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган **“Риштон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг** 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

Масъулияти чекланган «TTT-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти бош директори
бош аудитор. САР **М.Х Ботиров**

Аудитор малака сертификати № 05052
25.08.2017 йилда Молия Вазирлиги
томонидан берилган